

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Хатирчи тумани

Обдонилаштириш бошқармаси

Бошлиғи Ж. Раҳмонов

"08" сентябрь 2022 йил



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Хатирчи тумани Навбвхор МФЙ ҳудудидаги 7-сонли мактабга боровчи ички йўллари таъмирлаш

- 1.1. Танлов охириги қиймати (150 760 305) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Навоий вилояти Хатирчи тумани Парахун МФЙ
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги шу кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бйрига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; • Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хуқукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиш лозим.

6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади



Хатирчи тумани Навбахор МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга борувчи ички йўллارни таъмирлаш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Хатирчи тумани Навбахор МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга борувчи ички йўллارни таъмирлаш.
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган махсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмаслиги керак. Навоий вилоятида огир табиий шароитда (ёмғир, қор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёр бўлиши керак. Корхона махсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш заруряти туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин огохлантирилган холда иш билан таъминланади. Махсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ҳисобидан қопланади. Махсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник ҳужжатлари қонуний бўлиши керак.</p> <p>Махсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза ҳулосаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Махсус техника ёки транспорт воситалари руйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскаватор ковш хажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Махсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз ҳолатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи махсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи махсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қолинади. Агар ёқилғи махсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Шартнома асосида бажарилган ишлар буйича илова қилинган Форма-2 да кўрсатилган сумма бўйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Лойиха смета ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил июндан 2022 йил 31 августгача.
11	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.